

## ТҮРТҮНЧИ НАЪТ

Ул рисолат сипехрининг рифъатида ва барча оламни сипехрдек ихота килгон кудратида ва асхоби бобидаким хар бирига ул сипехрда бир кавкаби рахшандалик содик дурурки, «асхоби кан-нужум» бу мазмунга нотик дурур.

Эй нафасинг мояи эъжоз ўлуб,  
Руҳи кудус нуткунгга хамроз ўлуб.

Гоҳи такаллум санга муъжиз калом,  
Назми каломинг бори муъжиз низом,

Нукта фасохатда мунакках санга,  
Шоҳиди даъво: «ана афсах» санга.

Сиххати ҳукм ичра ҳадисинг саҳих,  
Арзи фасохатда каломинг фасих.

Нутк аро чун зохир ўлуб муъжизинг,  
Аҳли фасохат бўлубон ожизинг.

Зотинг ўлуб баҳри жавохир нишон,  
Сўз аро баҳринг кафи гавхар фишон,

Каф неки, баҳре бўлуб ул панж шох,  
Етти хубоб ул сувга бу етти кох.

Хамса салотингга чу навбат бўлуб,  
Панжаи исломга қувват бўлуб.

Куфр кўлу панжасини ранжа бил.  
Боис анинг ранжига бу панжа бил.

Факр аро ул панжа қабул этти ранж,  
Лек ҳақиқатда эрур панж ганж.

Панжаи ислом чу махкам солиб,  
Куфр ети кўргонидин хумс олиб,

Дема илик, тигеки бир бормоги,  
Ойни ики бўлди ишорат чоги.

Тонг эмас ар ул кафи муъжизнамой,  
Килгач ишорат ики айрилса ой.

Нокаси ер узра чу рафтор этиб,  
Хар изи «шаккал-камар» изхор этиб.

Амри этиб нахл кадин хуш хиром,  
Уйлаки килгай бути саркаш хиром.

Хасмидин ўлгонда анга парда гор,  
Огзида ўргамчи бўлуб пардадор.

Айламасун деб ел ила парда сайр,  
Байзасидин тугма токиб анда тайр,

Пардаси жон риштасидин тор ўлуб,  
Тугмалари гавхари шахвор ўлуб.

Кўйди чу ул дом ила ул дона гор,  
Кўрки не давлат кушин этти шикор.

Горда ёри била ул тез хуш,  
Тог ичида ўйлаки олтун-кумуш,

Куфр чу эълоий ливо айлабон,  
Нусрат учун динга дуо айлабон.

Ким ики тандин бирин эт тожвар,  
Бири Абужахлу бириси Умар.

Кисмати аввалгининг ўлди азоб,  
Бўлди икинчида дуо мустажоб.

Буки каломуллох ангадур насиб,  
Ким йўк анга муъжиза андин гариб.

Сура дема, «коф» ила «нун» ёки «сод»,  
Яъники хар харфига онинг савод,

Сунбулидек борча паришон эди,

Жомиъ анга жомии куръон эди.

Маккани чун килди жуда дайрдин,  
Тиг суйи бирла юди гайрдин.

Бўлди вале манзарадин бут фиған,  
Сўнгра наби хак эвида бут шикан.

Наълини гар тожи шараф килди арш,  
Килди Али наълига эгнини фарш.

Рух эди ул бахри нубувват дури,  
Тўрт рафики танининг унсури.

Накд киромий улу тожир анга,  
Водийи хижратда мухожир анга.

Динга етиб рахна чу куффордин,  
Саддига нусрат кўруб ансордин.

Ахлию авлодию атбоига,  
Олию ахфодию ашъёига ( )

Тенгри таоло карамидин карин,  
Юз тухафи рахмат ило явми дин.

### ТЎРТИНЧИ НАЪТ

Мухаммад с.а.в.нинг пайгамбарлик осмонинг юксаклиги ва бутун Оламини Осмондек ўз ичига камраб олишдаги куч-кудрати ва унинг саҳобалари хакидаким, уларнинг хар бирига Осмонда бир ёруг юлдуз садокатда бўлган хамда «менинг саҳобаларим бамисоли юлдузлардир» дейилгани шу мазмунда айтилган

Эй нафасинг мўжизаларингга дастмоя бўлган, мукаддас рухлар хар гапингга сирдош бўлган! Гаплашган чогингда фасохат билан сўзлайсан. Шеърий нуткинг эса хайрон коларли даражада тартибли. Маъноли ва коидали гапиришингда сенга фасихлик хос бўлиб, бунга «Менда фасохат!» — деган даъво сенга ярашади. Соглом хукм чикаришда сўзларинг тўгри, фасохат ерида сўзларинг чиройли. Гапирганигда сендаги мўжиза айникса яхши кўзга ташланади. Бундай пайтда хар кандай фасохат эгалари ўзларини ожиз сезадилар. Сенинг аслинг жавохирларга бой денгиз бўлиб, сўзлашганда бу денгизнинг кафи гавхарлар сочади. Бу каф хам эмас, беш шохдан иборат бахр бўлиб, етти осмонни етти пуфакчани ютгандек ютиб юбора олади.

Беш вақт намозга навбат келганда, Ислом панжаси янада кучайиб кетди. Куфрнинг кўлу

панжалари эса дардга учраб, бу дарднинг сабабчиси ўша — Ислом панжаси эди, — дейиш мумкин. Мухтожликда қолиб, у бармоқлар дард чекар экан, лекин хақиқатда эса бу Ислом учун қўлга киритилган беш хазина бўлди.

Ислом панжаси тобора мустахам тортиб борар экан, куфрнинг етти кўргонидан бешдан бир солиқ олар эди.

Буни оддий қўл дема, у бамисоли бир тиг бўлиб, битта бармоғи бунга ишора бўлганда Ойни иккига бўлган қўл эди.

Ажаб эмас, унинг мўъжиза кўрсатувчи қўллари бир ишора билан ойни иккига бўлгани. Пайгамбар миниб юрган туя ер бўйлаб кадам ташлаб борар экан, унинг хар бир изи ўша «Ойнинг иккига бўлингани»ни эслатар эди.

Пайгамбарнинг буйруги билан ёш қўчат чиройли харакатга келар, гўё ўжар санам юриб кетаётгандай бўларди.

Душманлар туфайли у горга беркинганда горнинг оғзидаги ўргимчак уни парда тўкиб тўсган. Ўша парда шамолда учиб кетмаслиги учун қушлар ўша пардага ўз тухумларидан тугма қилган эдилар. Парданинг иплари жон риштасидан тўқилган бўлиб, тугмалари гўё шохона гавхардан эди.

У шу таклидда тузук қўйиб, гор олдига эса дон сочиб, қаранг, қандай бахт қушларини овлай олди. Горда хушёр дўсти (Абу Бакр Сиддик) билан беркиниб турар экан, гўё улар тоғ қатида ётган олтин билан қумуш эдилар.

Қофирлар байрогининг баландлиги вақтинча ортган пайтда у дини галаба қозонишини дуо қилар экан, икки тандан бирига тоғ муяссар боишини тилади. Буларнинг бири Абу Жаҳл бўлса, иккинчиси Умар эди. Абу Жаҳлнинг тақдири охири азоб-уқубат, иккинчиси хақидаги дуолар эса мустажоб бўлди. Худонинг қитоби — «Қаломуллох» эса Муҳаммад с.а.в.га насиб бўлдики, дунёда бундан ортиқ мўжиза юз бермагай.

Суралар хали (тўла маънода) сура эмас, «Қоф», «Нун» ёки «Сод» харфларига оид қисмлар бўлиб, булар турли харфларга оид қораламалар эди. Улар Пайгамбарнинг сочларидек тарқок эди. (Хазрати Умар) «Қуръон» бўлақларини йигиб жамлаган тўпловчи бўлди. У Муқаддас Маккани бутхонадан ажратиб, қиличининг суви билан уни бутпарастлардан тозалади. Қўринишдан бутлар тамом олиб чиқиб ташлангач, Пайгамбар Ҳақ уйида бутларни синдирувчи сифатида ўрин тутди. Унинг этигининг наъли шараф тоғи сифатида энг юқорига қўйилган бўлса, Али бу наълга елкасини тутди.

Пайгамбарлик денгизининг дури — пайгамбар рух бўлса, тўрт рафиқи унинг танасининг тўрт унсури бўлди. У ўзи (дўқондаги) қимматбахо бойлик бўлса, Али унинг сотувчиси, гўё айрилик водийсида юрган бир мухожир эди. Қофирлар томонидан динга дарз етказилганда, бу тўрт киши галаба йўлидаги девор бўлдилар. Уларнинг одамларини, авлодларини, унинг қўл остида бўлганларни, улугиари, неваралари ва дўстларини Аллох қўлласин! Улар Тангри таоло қарамига яқин бўлиб, қиёмат қунигача уларга юзларча миннатдорлик тухфалари бўлсин!